

TO ANALYZE AND EVALUATE THE PHYSICAL TRAINING AND DEVELOPMENT OF PRESCHOOL AND SCHOOL AGE CHILDREN

Mamajonov,

associate professor of the Department of theory and methodology of Physical Culture

Bakirova

1-course Master's degree

Key words: exercise, organism, speed, strength, ability, training

Турли хилдаги жисмоний машқлар организмга турлича таъсир қиласи ва улар жисмимиз ҳарақат қобилиятларини лозим бўлган ёки имкон даражасида намоён қилишга маълум талабларни қўяди. Одатда биз жисмоний машқларни таъсир даражасига қараб куч талаб қилувчи жисмоний машқлар ёки тезлик намоён қилишни талаб қилувчи машқлар ва бошқалар деб фарқлаймиз. Шундай ҳолатлар бўладики, бажарган ҳарақатимизни нима учун айнан кўрсатилганидек қилиб бажариш лозимлигини ёқтирамайроқ қабул қиласи. Чунки бу қатор факторларга боғлиқ. Улар жисмоний юклама, кайфият, коринни оч ёки тўклиги, анжомлар, жиҳозлар, шароит ва ҳ.к.лар. Агарда жисмоний машқ орқали организмга тушадиган жисмоний юклама меъёри организмимиз тайёргарлигига мавофиқ бўлиб бажариш қийинчилик туғдирмаса, машғулотдан сўнг уни таъсирини тезда ҳис қиласи.

Навбатдаги факторлардан бири руҳиятимиз. Машғулотларга киришишда кайфиятимизни яхши эмаслигини сезсан, дарҳол юкламамизни меъёри ва унинг машғулотдаги умумий ҳажмига эътиборни қаратишими зарур. Юкламани ҳаддан ортиқлиги кайфиятга салбий таъсир кўрсатади. Мажбурлаб, кўрқитиб ёки хаёли бошқа қўзғатувчи билан банд бўлганда шуғуллантириш самара бермайди.

Югуриш ва бошқа машқлар билан оч қоринга ёки тўйиб овқатланишдан сўнг шуғулланиш жисмоний имкониятларимиз ёки айrim бошқа қобилиятларимизга салбий таъсир қилишини унутмаслигимиз лозим.

Организмни иш бажариш учун қизитишими (разминка) зарурый даражада бўлмаса, мушакларимизда оғриқ сезилади. Разминка органларни ишга тайёрлаш бўлиб, у икки хил бўлади. Умумий ва маҳсус разминка. Умумийси барча аъзоларни ишга тайёрлайди. Маҳсус разминка айнан бажарилиши лозим бўлган ҳарақат, машқни бажаришда иштирок этадиган мушаклар фаолиятини иш бажаришга тайёрлаш жараёнидир.

Қобилиятларимизни намоён қилишга таъсир қиладиган факторлардан бири *машқларни бажариши* учун яратилган ёки танланган *шарт шароит* билан ҳам узвий боғлиқ. Масалан, югуриш учун танланган йўлка, ёки кўтариш учун танланган жисм (штанга, гир, гантел, қум тўлдирилган қоп ва бошқалар) ёки спорт анжоми шуғулланувчи учун қулай бўлмаслиги, турли хилдаги салбий оқибатлар, хиссиётлар сабабчиси бўлиши мумкин.

Югуриш машқи товон олди, оёқ кафтида оғриқни юзага келтиради ва бу билан шуғулланувчининг жисмидаги ҳарақат қобилиятларини намоён қилишга путур етказиши мумкин. Унга сабаб эса югуриш йўлкасининг қаттиқлиги, асфальтланганлиги, шағал ётқизилганлиги, ҳавонинг иссиқ (совук) лиги ва бошқалар бўлиши мумкин.

Бажарилаётган жисмоний машқлар қандай ҳарақат сифатларини қайси бирини ривожлантириш ҳақидаги бошланғич билимларимиз ҳам жисмимиз ҳарақати қобилиятини намоён қилишга таъсир кўрсатади.

Жисмоний машқлар жисмоний қобилиятларни намоён қилиш орқали организмни ишчанлигини шакллантиришга таъсир қиласи. Узоқ вақтли (ақлийми ёки жисмоний) маълум интенсивликда жисмоний иш бажариш давомида организм маълум даражадаги ишчанликни намоён қилиши зарур. Ишчанликнинг юқори даражасига эришиш учун зарурый тайёргарлик – нафас, юрак-томир тизими, кон айланиши ва бошқа функционал жараёнларни организмда кучайтирамай туриб жисмоний

машқларни бажариш учун жисмимиз қобилиятларидан фойдаланишимиз қийин кечади. Қуйда биз турли мактаб ёшидалик даврингизда жисмингиз қобилиятларини шакланишининг тавсифига тўхталидик.

Кичик мактаб ёши. Умрингизни 6-7 ёшидаги даври жисмоний қобилиятларингизни актив ривожланишини – куч, тезкорлик, чаққонлик, чидамлилик, эгилувчанлик ва мушакларни эгилувчанлиги ва олдин ўзлаштирилган ҳаракат малакаларингизни такомиллаштирилиши жараёнини ўз ичига олади. Бу ёшда асосан оёқ, қўл, танамизнинг катта мушаклар гурухига кўпроқ жисмоний юкламалар бериш билан жисмоний қобилиятларни ривожланишига таъсир қилишимиз мумкин бўлади. Бу ёшингиз даврида куч талаб қиласидаги машқларни бажариш эҳтиёткорликни талаб қиласиди. Мушакларингизни куч сарфлаш учун узоқ вақт зўриқиб туришига йўл қўйиб бўлмайди. Асосан, қаршиликини енгиш машқларидан кўпроқ фойдаланишини фойдаси катта. 6-7 ёшингизда улоқтириш машқлари сизга кўп фойда келтирмайди, уларни бажаришингиз учун кўп вақт сарфламанг, мушакларингиз бундай юкламаларга ҳали тайёр эмас. Мабода ундан фойдаланишини истасангиз улоқтирувчи жихозларнинг массаси 100-150 гр.дан ошмаслиги лозим. Тезкорлик, тезкорлик–кучини машқ қилишингизда асосий эътиборни ҳаракат частотасига қаратишингиз керак бўлади. Чаққонликни ривожлантиришда бажарилаётган ҳаракат амплитудаси, тез реакция қилиш билан бажариладиган машқлардан кўпроқ фойдаланишини самарадорлиги юқорилиги амалда исботланган.

Чидамлилик қобилиятини ривожлантиришда нисбатан бажариш вақти, масофани, қайтаришлар сонини кўпайтириш, чўзиш билан бажариладиган машқлар орқали узоқ муддатли сайрлар давомида трусцой 5-7 минутли югу-ришлардан фойдаланилади. Фақат эгилувчанлик ҳаракат сифатинигина ёш ўтиши билан даражаси пасая бошлайди. Лекин 6-7 ёш бундан мустасно. 5-жадвалда 6-7 ёшдаглар жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичларининг тахми-ний меъёрий нормаларини эътиборингизга ҳавола қилдик.

Умрингизни иккинчи болалик даври (7-10 ёш). 7-10 ёшдаги даврингиз жисмоний қобилиятларингизни шакллантириш ва ривожлантириш учун вақтни бой бермайдиган даври ҳисобланади. Бу ёшингизда ҳаракат маданиятига пойdevor-асос яратилади. Янги ҳаракатларни мувофақиятли ўзлаштирасиз, жисмоний маданиятга оид билимларингиз боййиди.

5-жадвал

Кичик мактаб ёшидаги (6-7 ёш) болалар жисмоний тайёргарлигининг кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Норма тарзидағи кўрсаткичлар	
		Болалар	Қизлар
1	Жойидан узуунликга сакраш, см.да	100	90
2	Гимнастика ўриндиғига таяниб етиб қўлларни тирсакдан букиш ва тўғрилаш, сони	10 марта	8 марта
3	Хоҳлаган усулда вақтни ҳисобламай сузиш	50 м.	50 м.
4	Тез юриш билан пиёда 5 км.ли масофани ўтиш	70 минут	70 минут
5	1000 м.га вақтга югуриш.	5 м. 20 сек.	5 м. 40 сек.
6	Кросс 3 км.га, минут	35	40
7	Велосипедда 10 км.га пойга, минутда	60	60
8	Теннис тўпини улоқтириш, метр	18	18

Мактабга қатнашингиз муносабати билан ўзгарган турмуш тарзингиз ҳам ҳали мукаммалашмаган ҳаракат ашпаратингиз (қўлларингиз ва оёқларингиз) га куч ва чидамлилик учун юкламаларни режалаштиришда эҳтиёткорроқ бўлишингиз талаби қўйилади. Чунки бу даврингизда жисмоний машқларга индивидуал муносабатингиз ўзгара бошлайди. Ҳаракатларни нима учун айнан устоз кўрсатганда тақрорлаш зарурлиги ҳакида қатор саволларингиз пайдо бўлади, уларни “мотиви”(боиси)ни, сабабини ўргаништага уринишингиз кучаяди.

Кичик мактаб ёшидалигинингизда янги ҳаракатлар, уларни техникасини ўзлаштириш билан ҳаракат диапазонингиз кенгаяди.

Ҳаракатларингиз захирасининг хилма-хиллиги ортади. Ҳаракат координациянгизни ривожлантириш машғулотлардаги асосий вазифангизга айланади. Ёшингизни 7-10 далик даврининг охирида ҳаракат қобилият-

ларингизни даражаси, уларни қандай спорт турларида күллаш мумкинлиги ёки жисмоний тайёргарлик жараёнида фойдаланиш орқали қандай самарага эришиш мумкинлигини билиб оласиз. Ўз жисмингиз қобилиятлари ҳақида тўлиқ тушунчага эга бўлмаслик қатор йиллар давомида мустақил шуғулланиш учун спортнинг ёки жисмоний машқларни бирор турини ёки ёқтирган жисмоний машқни танлашингизда хатога сабаб бўлиши мумкин. Сузиш, гимнастика, акробатика ва бошқа сизни ёшингизда шуғулланишингиз лозим бўлган спорт турларини тайёрлов гуруҳида шуғулланишига рухсат берилади, холос. Шуғулланишни бошлаш учун зарурий, қулай даврни, вақтни ўтказиб юбормасангиз бўлди.

Бу даврнинг муҳим томони шундаки, ҳаракат активлигини намоён қилиш учун аҳамияти катта саналган организмингизни органлари ва тузилмаларини анатомо-физиологик шаклланиши тезлашади. Улар ҳали зарур даражада ривожланиб улгурмасада интенсив ўсиши, мустаҳкамланиши юқори даражада давом этади.

Ёшингизни бу даврида ҳаракат техникасининг ўзлаштиришга иштиёқингиз шундай юқори бўладики, қатор ҳаракат малакаларингиз махсус қўрсатмалар, тайёргарликларсиз ҳам тез шаклланади. Ҳаракат техникасини ўзлаштирилишига кўра қийин машқларни ўсмирлар ва ёшларга нисбатан осон ўзлаштира олиш қобилиятингиз юқори бўлади. Ҳаракат ритми амплитудаси ёки куч сарфланиши талаб қилинадиган ҳаракатларни, хиссиётларингизни умумлаштриш натижасида ўша ҳаракат техникасини деталларигача ўзлаштириб олишингиз билан мураббий – устоzlарингизни хайратлантирасиз. Бу “феномен”дан фойдаланишни ҳаракатларни ўзлаштиришда фойдаланиш, ўқитиш услубиётларини амалиётга қўллашда машқларни “бўлак – бўлакларга ажратиб ўргатиш” усулидан кўра уни қисмларга ажратмай тўлалигича “бир бутун” ҳолатда ўқитиш, ўргатишида фойдаси катта. Шунинг учун ҳам 7-10 ўнда мустақил кузатиш орқали велосипедда юриш, роликли конькида югуриш, тўп билан ракеткалар ва бошқа спорт ўйинлари учун зарур бўлган қобилиятларни намойиш қилиш, уларни ўзлаштириш ва мустаҳкамлашда қийинчиликга дуч келмаётганлигинизни сабаби ҳам шунда.

Бу ўнда ҳаракатингиз биодинамикаси ва энг аввало ҳаракат координатицияси компонентлари гуркираб ривожланади. Уларнинг 7-10 ўндалиқ даврида инсон ҳаракат фаолиятининг базаси саналган барча жисмоний сифат-лари, координацияйи қобилиятларининг шаклланиши амалга ошишини юқори даражадалиги даври деб қараш илмий-тадқиқотлар орқали исботланган¹. Агар шу даврда лозим бўлган физиологик потенциалнинг асосини яратилмай қолинса, ҳаракат фаолигининг ривожланиши қонуният-ларидан юзага келадиган гармонияни бузилиши содир бўлади.

Кичик мактаб ўшидалиқ даврнингиз жисмоний қобилиятларингиз даражасига кўра СТТ жисмоний маданиятининг сон ва сифат қўрсаткич-ларига оид қуидагиларни билишингизни тақозо этади
Шахсий гигиена қоидалари;

Катталар ёрдамида эрталабки гимнастикани бажариш;

Организмингизни чинқириш, ҳақидаги бошланғич билимларингизни эгаллаш;

Кун тартибини катталар ёрдамида тузиш ва ундан фойдалана олиш;

Бошланғич ҳаракат малакалари ва қўнималарни эгаллаш, қадди-қоматни тўғри тутиш, юриш, югуриш, сакрашлар, улоқтириш, тирмашиб чиқиш, сузиш, тўпни илиб олиш ва узатиш, роликли конькида юриш, қиши пайтида чанғида учиш ва бошқалар.

Жисмоний тайёргарлигинизга оид назорат нормаларини бажаришга тайёрланишни билиш ва 9-жадвал асосида нормаларни топшириш (9-жадвал, 116-саҳифага қаралсин).

Соддалаштирилган қоидаларга риоя қилган ҳолда ҳаракатли ўйинлар ва кичик спорт ўйинларидан (кичик футбол, кичик волейбол, кичик қўл тўпи, кичик баскетбол) бирининг қоидасини билиш.

Ўзининг жисмоний тайёргарлиги даражасини баҳоларига қизиқиши.

Спорт ҳақида воқеа ҳодисаларга қизиқиши, оилада жисмоний маданият, спорт мавзусига оид сұхбатлар, етакчи спортчилар, уларнинг натижаларини оиладаги муҳокамасида қатнашиши.

Мустақил тренировка қилишнинг асосий қоидаларини, ўзининг жисмоний қобилияти ҳолатининг энг содда назорат қилиш усулларини билиш, юклама танлашга оид элементар билимларга эга бўлиши;

Эрталабки гимнастикани мустақил бажаришга ўтиш, физкультура паузаси, индивидуал тренировкалар қилишга одатланиш;

Тенгдошлар билан спорт ёки ҳаракатли ўйинни ўтказишни ташкиллай олиш;

¹ Бальсевич В.К. «Проблемы физического воспитания младших школьников» Сов.педагогика – 1988 г. № 8. – Стр. 9-12.

Турли спорт машиларининг техникаси, тактикаси, усуллари га оид назарий билим ва амалий малакаларни эгаллашга уриниши

Жисмоний тайёргарлигиниз кўрсаткичлари даражасини 6-жадвалдаги нормалар асосида топширишга тайёрланиш ва уни мусобақларида қатнашиш;

Тенгдошлари билан бирга жамоа бўлиб тренировка машғулотларида шуғулланиш, спорт тренери ёки жисмоний маданият ўқитувчининг топшириғи асосида мустақил шуғулланишга одатланиш;

Ўзининг жисмоний тайёргарлигини ошириш ва организмини чиниқтиришга бўлган доимий қизиқишини кучайтириш;

Мактаби, тумани (шаҳри) ва мамлакат спорти тарихига оид қизиқарли маълумотларга эга бўлиши, жисмоний маданият ва спорт орқали юзага келган саломатлигига оид ютуқлар ҳақидаги мисоллари, жисмоний камолотта эришган одамлар билан учрашувларда иштирок этиши;

Спорт ҳаётига оид кечеётган кунлик ҳодиса ва воқеалардан хабардор бўлиши унинг СТТ жисмоний маданиятли бўлиб ўсишига етакчи восита бўлади.

6-жадвал

Кичик мактаб ёшидаги (7-10 ёш)лар жисмоний қобилиятининг назорат кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Норма тарзидаги кўрсаткичлар	
		Болалар	Қизлар
1	Югуриш, 2000 м.га	10	-
2	Югуриш, 1000 м.га мин/с	-	5.20
3	Пиёда юриб 10 км.ни босиб ўтиш, соат	2	2
4	Югуриш, 60 м.га, сек Кросс 5 км.га, м/с Велосипедда юриш 20 км.га	10.8	11.1
5	Полда таяниб ётиб қўлларни тирсакдан букиб тўғрилаш	8	5
6	Жойидан 3 ҳатлаб сакраш, м	4.9	4.4
7	Жойидан узунликга сакраш, см.	165	155
8	Югуриб узунликга сакраш, м.	2.9	2.7
9	Баландликга югуриб сакраш, см.	90	85
10	Теннис тўпини улоқтириш	25	12

ҮРТА МАКТАБ ЁШИ дагиларнинг жисмоний қобилияларини шаклланиши ва уни такомиллашуви организмини биологик этилиши билан бир вақтни ўзида тугалланади. Бу ёшда катта ёшдагилар учун хос бўлган ҳаракатларда индивидуаллик шаклланиб бўлади. Ўсмилик даври тезкорлик, тезлик-кучини интенсив ривожланишига қарши ўлароқ ҳаракат координат-циясини бир оз бузилиши билан кечади. Рухият, характерни шаклланиши, тўхтамга келиши оғир жараён бўлиб, хусусий томонлари билан аниқ йўналиш олиб, дидни шиклланиши билан тўхтайди. Ўсмилик давримиз жисмоний машқлар билан шуғулланиш, жисмоний қобилияларни намоён қилиш билан ўз шахсимизни эътиборга тушишини ўта ёқтирадиган давримиз бўлиб, тизимли машғулотлар, уларни фойдасини, билишингиз спортнинг бирор турини аниқ танлаб астойдил шуғулланишини бошлаган бўлишингиз лозим. Агарда шу ёшгача бошламаган бўлсангиз, уни эртаси ёки кечи йўқ. Зудлик билан спортнинг бирор тури билан шуғулланишини бошланг.

Жисмоний қобилиятингизни намоён бўлиши учун заминни организминизнинг функционал фаоллиги юзага келтиради. Организмнинг функционал фаоллиги кўпроқ сутканинг қундуги кунига тўғри келади. Эрталабданоқ эндокрин деб номланадиган буйрак усти безлари – қонга адреналин ва ноадреналин ажратиб нерв тизимини фаоллигини оширади ва бу билан юракни ишини жадаллаштиради. Мушаклар қисқаришининг самарафорлигига ижобий таъсир қилади. Ошқозон-ичак тракти ишини яхшилайди, тана ҳарорати, юрак қисқариши частотасини оширади, артериал босимни керакли даражада ушлайди, кислород истеъмол қилишнинг максимал ҳажмини кўпайтиради ва оқибатда функционал ҳолатини соат 15-17 ларга бориб минимум даражага тушишишга олиб келади. Эътибор берсангиз қайд қилинган безлар организмимиздаги безлардан факат биттасигина холос ва улар шунчалик аҳамиятли таъсирга эга. Демак, безларимиз хизматини ўрганишимиз лозим.

Тадқиқотларнинг кўрсатдики, ўсмирилик даври – бутун организмнинг орган ва тузимламаларини максимал, интенсив шаклланиши, жумладан жисмоний қобилияtlарини ҳам ўсиши даври саналади. Бу давр фақат биологик етилиш даврингиз бўлибгина қолмай, шахс сифатида ижтимоий жиҳатдан шаклланиш даври ҳам саналиб, индивидни яъни, сизни фикрлаш доирангиз кенгайиб, аниқ, мантиқли фикрлашдан абстракт фикрлашга ўтадиган даврингиздир. Иккиси сигнал тизими тез ривожланади. Унда янги шартли рефлекслар ва малакаларни юзага келиши кучаяди. Ҳаётий жараёнида энг зарур деб саналган қўзғолиш ва тормозланишни ўзаро ўрин алмашинувини кечиши кучаяди. Бу билан бош мия ярим шарларингиздаги тормозлаш функциясиning фаолияти сабабли ўзини тутиш, турли хилдаги юқори кўтаринкилик оқибатида ўзини бошқара олмаслиқдек ҳолатлар содир бўлади. Стреес, стреесга яқин ҳолатни бошқариш, ундан чиқиб кетиш жуда оғир кечади. Бу билан қобилияtlарни (ақлийми, жисмонийми) намойиш қилишда айрим ноўрин ҳолатлар юзага келишига дуч келамиз.

Кайфиятингиздаги бундай кескинлик, тез ўзгарувчанлик, тарбиячилар, спорт мураббийлари, тенг қурлар, катталар, ҳатто ота-оналар билан муомалада низоларга олиб келади. Айнан шунинг учун ўсмир кимлар учун “яхши бола” сифатида таассурот қолдирса, бошқаларда “ёмон бола” ёки бир вақтнинг ўзида турли фикр ёки муносабатларни юзага келишига сабаб бўлиши кузатилади.

Жисмоний қобилияtlарнингизни баҳолаш ёки улардан ҳаракат фаолигини ташкиллашда фойдаланиш учун қайд килингандарни ҳисобга олишингизни аҳамияти катта. Бошқа томондан ўсмирилик спорт ёки жисмоний тайёргарлигинингизни оширишни мақсад қилиб шуғулланиш пайтида ёки мусобақалар давомида ўзингизни қобилияtingизни юқори қилиб кўрсатиш билан бошқаларни эътиборга тушиш, сиз ҳақингизда фақат мақтовлар эшитишни ёқтирадиган, ўзингизни устунлигинингизни исботлашга, ютқазишни ёқтиромай қобилияtingизга юқори баҳо берадиган даврингиз саналади. Аслида сизнинг саломатлигининг энг аввало ўзингиз учун, қолаверса, сиз яшаётган жамият учун муҳим эканлиги, у халқингизни бойлиги эканлигини тушунишинингиз лозим. Фалаба ҳар доим сиз томонда бўлмаслиги, кучизни, сиздан жисмонан заифни хурматини ўрнига қўйиш, уларга ҳиммат кўрсатиш, камситмаслик, нисбатан жисмоний устунлик орқали ўзини хоҳлаганини қилиш мумкиндеқ салбий тушунчалар ўсмирнинг онгода таҳлилдан ўтиши мумкин. Шу маънода жисмоний жиҳатдан иқтидорлиларнинг, қобилияtlilarinинг СТТ жисмоний маданияти тадбирларига, ишларга жамоатчилик асосида жалб қилиш билан уларга кичик мактаб ёшидагилар билан оммавий- соғломлаштириш ишларини олиб боришга шароит яратиб, уларни фаолиятини рағбатлантириб, ўсмирлар маънавий тарбиясида етакчи воситаси сифатида фойдаланиш ҳозирги куннинг долзарб муаммосидир.

АДАБИЁТЛАР

1. Р.Хамроулов, & Н.Мухаммадов. (2022). ВОЛЕЙБОЛЧИЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ СИФАТЛАРИНИ ВА ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР РИВОЖЛАНТИРИШ . World Scientific Research Journal, 2(2), 185–192. Retrieved from
2. Ma'mirjon, Y., & Saminjon, X. (2022). MAKTAB YOSHIDAGILAR HARAKAT AKTIVLIGI(FAOLLIGI) NING ME'YORI. Conferencea, 75-78.
3. Khamrakulov R., & Abduzhalilova K. (2022). FEATURES OF PHYSICAL EDUCATION IN GRADES 5-6 OF SECONDARY SCHOOL. Academicia Globe: Inderscience Research, 3(05), 82–90.
4. Джалолов, Ш. В. (2019). Анализ соматометрических показателей детей младшего школьного возраста. Наука сегодня: проблемы и перспективы развития [Текст]: ма, 87.
5. Usmanov, Z. N., & Ubaidullaev, R. (2020, December). PROBLEMS OF PHYSICAL AND HEALTHY WORK IN SCHOOL EDUCATION SYSTEM. In Конференции.
6. Қосимов, А. Н. (2021). ФОРМИРОВАНИЕ И ФИЗИЧЕСКОЕ РАЗВИТИЕ СОМАТОТИПОВ МЫШЦ У СТУДЕНТОВ 13-15 ЛЕТ, ЗАНИМАЮЩИХСЯ ШКОЛЬНОЙ ПРОГРАММОЙ. Scientific progress, 2(8), 849-853.
7. Нишонова, Д. (2021). Болаларда гипертермик синдромни даволашда антипиредиклар танлашнинг асосий мезонлари. Общество и инновации, 2(3/S), 430-436.
8. Убайдуллаев, Р. М. (2020). Сопоставительный мониторинг показателей физической подготовленности девушек сельских школ с нормативами тестов здоровья “Барчиной”. In Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования (pp. 37-40).
9. Yakubova, G. K. (2021). MONITORING OF PHYSICAL EDUCATION CLASSES IN CONDITIONS OF HYPERTHERMIA. Herald pedagogiki. Nauka i Praktyka, 1(2).

10. Усманов, З. Н., & Убайдуллаев, Р. М. ПРОБЛЕМЫ ФИЗКУЛЬТУРНО-ОЗДОРОВИТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ В СИСТЕМЕ ШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ.
11. Yuldashev, M. (2021). INNOVATIVE ASPECTS FOR HEALTHY LIFESTYLE FORMATION AND DEVELOPMENT OF SPORTS. CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS, 2(05), 102-107.
12. Сидикова, Г. С. (2022). ФОРМИРОВАНИЕ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ У ДЕТЕЙ СТАРИШЕГО ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА. Таълим ва Ривожланиш Таҳлили онлайн илмий журнали, 2(1), 6-11.
13. Patidinov Kamolidin. (2021). Physical Fitness and Development of School Students. Journal of Pedagogical Inventions and Practices, 2(2), 89–91. Retrieved from <https://zienjournals.com/index.php/jpip/article/view/330>